

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”  
“Ўзсаноатэкспорт” АЖ  
Бошқарув Раиси в.в.б.**

  
**Намазов Б.Х.**



**“Ўзсаноатэкспорт” Акциядорлик жамиятининг  
"Surxon Meva Invest" МЧЖ шаклидаги корхона устав  
фондидаги 98,86 фоизлик улушини баҳолаш хисоботини  
экспертизадан ўтказиш хизматини сотиб олиш учун**

## **ТЕХНИК ТОПШИРИҚ**

**ТОШКЕНТ - 2022**

### **1. Буюртмачи:**

Танлов буюртмачиси “Ўзсаноатэкспорт” АЖ, манзил Тошкент шаҳар, Мирзо-Улугбек тумани, Мустақиллик кўчаси 107 уй.

Баҳолаш объекти Ўзбекистон Республикаси, Сурхондарё вилояти, Олтинсой тумани, Наврўз маҳалласида жойлашган.

### **2. Бенефициарлар:**

“Ўзсаноатэкспорт” АЖ

“Surhon Meva Invest” МЧЖ

### **3. Ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатиш шартлари:**

Субъект бўйича баҳоловчи корхонанинг баҳолаш ҳисоботини экспертизадан ўтказиш бўйича хизматлар кўрсатиш доирасида амалдаги Ўзбекистон Республикасининг Қонунларига амал қилиш керак.

### **4. Бажарилиши керак бўлган ишнинг мураккаблиги ва хизматларни кўрсатишдан келиб чиққан ҳолда иш бажарувчига талаблар**

- экспертиза фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия мавжудлиги;

- экспертиза фаолиятини амалга оширишда лицензиялаш талаблари ва шартларига риоя қилиш;

- баҳолаш хизматларини кўрсатиш соҳасида камида 10 йиллик тажрибага эга бўлиши;

- буюртмачи талабига асосан экспертизада бевосита иштирок этувчи мутахассисларнинг экспертиза қилиш бўйича малакавий сертификатини тақдим этиш;

- экспертиза доирасида йиғилган маълумотларни сақлаш;

- буюртмачидан олинган маълумотлар махфийлигини сақлаш;

- белгиланган муддатларда хизматлар кўрсатиш учун етарли экспертиза қилувчи мутахассисларнинг мавжудлиги;

- бажарувчи тугатилиши ёки ихтиёрий тугатилиш жараёнида бўлмаслиги лозим.

- экспертиза ташкилотнинг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталовчининг мажбуриятлари кучга кирганлигини тасдиқловчи суғурта полиси мавжудлиги;

- штатида зарур малака сертификатига эга бўлган камида 10 та экспертнинг мавжудлиги (мутахассислар ўз малакаларига кўра 5-10 йиллик иш стажига эга бўлиши);

- ўтган календар йили учун ҳар қандай даражадаги бюджетга ёки давлат бюджетидан ташқари жамғармаларига ҳисобланган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзлар бўлмаслиги;

## **5. Хизматлар нархи**

Хизмат нархи – 15 000 000 (ўн беш миллион) сўм.

Тўланиши керак бўлган қатъий миқдор. Пудратчи билан шартнома муддатидан олдин бекор қилинган тақдирда, хизматларни кўрсатиш учун сарфланган ҳақиқий вақт (шартномада бундай ставка кўрсатилиши шарт) ва ҳақиқий харажатлар тўланиши керак.

Тўлов валютаси - Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси (сўм).

## **6. Хизмат кўрсатиш муддати:**

Хизматларни кўрсатишни бошлаш санаси хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартнома тузилган ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ кучга кирган кундан кейинги иш кунига тўғри келади.

Ишлар бўйича хизматлар кўрсатишнинг тугатиш санасини ишларнинг тўлиқ бажарилиши санаси ҳисобланади.

## **7. Иш ва хизматлар натижаларини топшириш ва қабул қилиш тартиби:**

Аввал миқдорга электрон шаклда тасдиқлаш учун ҳисобот лойиғаси, барча жадваллар/файллар формулалар ва боғламалари сақланган ҳолда Excel форматда, шу билан бирга асл сканерланган ишчи ҳужжатлар тақдим этилади (танишиб чиқиш учун).

## **8. Ишлар ва хизматлар сифатини таъминлаш муддатини белгилашга қўйиладиган талаблар:**

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик талабларига мувофиқ амалга оширилади.

## **9. Иш ва хизматлар натижаларини топшириш ва қабул қилиш тартиби**

Буюртмачига кўриб чиқиш ва танишиш учун тасдиқланишидан олдин экспертиза ҳисоботининг электрон нусхаси химояланмаган шаклда тақдим этилади, жадвалларнинг барча ҳисоб-китоби рус ёки ўзбек тилида формулалар сақланиб қолган ҳолда Excel форматдаги файллар ва сканерланган ишчи ҳужжатларни тақдим этади;

Экспертизанинг якуний натижалари Буюртмачига ёзма ҳисобот шаклида икки нусхада тақдим этилиши керак, унда асосий хулосалар ва асосий тахминлар, фойдаланилган методологиянинг тавсифи, алгоритм ва ҳисоб-китоблар натижалари кўрсатилган бўлиши лозим.

## **10. Ишлар ва хизматлар сифати учун кафолатлар хажмига қўйиладиган талаблар.**

Экспертиза қилувчи ташкилот Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ, амалдаги касбий жавобгарликни суғурталаш полисини тақдим этиши шарт.